

ФАЛСАФА ВА ХУКУК

ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ, МАЬНАВИЙ - МАЬРИФИЙ, ФАЛСАФИЙ - ҲУ҆ҚУ҆ҚИЙ ЖУРНАЛ

—
2019

FALSAFA va HUQUQ

ФИЛОСОФИЯ и ПРАВО

PHILOSOPHY and LAW

ФАЛСАФА ва ҲУҚУҚ

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал
2019/1 (№13)

“... олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-кудрат манбай бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур.

Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим”.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев

Таҳрир ҳайъати:

**Б.Т.Тўйчиев - ф.ф.д.,
профессор**

Е.С.Канъязов -
Тошкент Давлат юридик
университети ректори,
ю.ф.н.

Г.Т.Маҳмудова -
ф.ф.д., профессор

Й.О.Жўраев -
ю.ф.д., профессор

М.Н.Абдуллаева -
ф.ф.д., профессор

Қ.Н.Назаров - ф.ф.д.,
профессор

Р.Ж.Рўзиев -
ю.ф.д., профессор

Бош муҳаррир:
А.Г.Муминов –
с.ф.д., профессор

Муассис: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети

Таҳририят манзили: 100095 Тошкент шаҳар,
Университет кўч., 4.

www.falsafavahuquq-jurnal.nuu.uz
E-mail: falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz

Босилига 08.01.2019 да берилди.

Бичими 60x84 Offset қозози. “BROK CLASS SERVIS”
МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент
шаҳар Заргарлик кўчаси, Сегизбаева 10а. Ризографда
босилди. «Times» гарнитураси. Ҳажми 12. Нашриёт
хисоб табоғи 12. Адади 90 нусха. Буюртма № 49.

Журнални нашрга тайёрловчилар
Қ.Назаров, А.Муминов, Х.Соқиев

МИЛЛИЙ ГОЯ ВА ҚАДРИЯТЛАР УЙГУНЛИГИ

**Эрназаров Ш. -
ТИҚҲММИ ўқитувчиси**

Мустақилликка эришган ҳар бир давлатнинг маънавий пойдевори мустаҳкам бўлгандагина, у бақувват бўлиб, кенг кўламда ривожлана олади. Бунинг учун эса аждодлар минг йилликлар ичида яратган бебаҳо мерос - ҳалқ маданияти анъаналарини яна жонлантириш, тараққий эттириш ва ундан акл-идрок билан фойдаланиш лозим бўлади. Бироқ, маънавий меросини чуқур, ҳар томонлама ўрганмасдан туриб, бу бебаҳо бойликни тиклаш, айниқса, ривожлантириш асло мумкин эмас.

Миллатнинг маънавий ўзлигини эса миллий онг, руҳият, анъаналар, тил, дин, адабиёт, ахлоқ, илм-фан, маърифат каби маънавий қадриятлар вужудга келтиради. Республикализ мустақилликка эришгандан сўнг энг дастлабки ишлардан бири тарихий-маънавий қадриятларни тиклаш бўлди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов: “Миллий гоя олдига қўйиладиган асосий талаблар хақида гапирмоқчи бўлсак, аввало унинг икки суюнган тоги - таянчи хақида фикр юритишимиз зарур. Биринчи навбатда, миллий мафкуурагиз ҳалқимизнинг тарихий мероси, азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, миллий қадриятларимиз, ҳалқимизнинг дуёҳараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига камраб олган холда, юрт тинчлиги, Ватан равнаки, ҳалқ манфаати ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоги даркор”, - деб таъкидлаган эди.

Миллий гоя - том маънода Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган барча ҳалқлар, элатлар, миллатларнинг манбаатларини умумий тарзда ифодалайдиган мафкурадир. Бошқача айтганда, у мамлакатимизда истиқомат қилаётган, ўзининг Ўзбекистон фуқароси эканлигидан чексиз фахрланадиган, ифтихор туйгуларини тудиган барча ҳалқлар ва миллатларнинг умумий муддаоларини ифодалайдиган, уларнинг бошини бириктириб, жисплаштириб, битта асосий мақсадга ундейдиган нуқтаи назарлар, гоя ва эътиқодлар, билимлар тизими, мажмуини ташкил этади.

“Этномаданият” тушунчаси ҳам тарихий жараёнда уруг, элат, миллат маданиятининг шаклаланиши ва ривожланишини акс эттиради. Агар этномаданиятнинг тарихий-маданий хусусиятларини белгилайдиган бўлсак, у қўйидагилардан ташкил топиши мумкин: Этнослар табиий ва тарихий-маънавий эҳтиёж асосида вужудга келади; ўз моҳияти ва хусусияти, мазмуни ва шаклига эга бўлиб, бошка ҳаётий соҳалар билан чамбарчас бoggаниб кетади; ҳалқ ҳаётида ўз ўрнини топиб, турмушнинг ажралмас таркибий қисмига айланади; маънавий-тарихий эҳтиёж сифатида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади; жамиятнинг баркамол бўлишига хизмат қилади. “Миллий гоя” тушунчаси ва “Этномаданият” тушунчалари умумий алоқадорлик хусусиятларини ташкил этади.

Ижтимоий тарихий тараққиёт жараёнида ва ҳозирги даврда жамият аждодларимиз мероси ҳисобланган ҳалқ маданиятига алоҳида эътибор билан қараш муҳим ҳисобланади. Мазкур муаммога диққат жалб қилиш учун, энг аввало, илмий, адабий, қомусий ва бошка манбаларидаги “ҳалқ”, “маданият” тушунчаларига изоҳ бериш лозим. Агар мавжуд манбалардаги бу атамага оид турлича изоҳлар

умумлаштирилиб, қисқа баён қилинса, унда “халқ маданияти”, яъни “Этномаданият” биринчидан, муайян жойда, худуддаги аҳоли маданияти; иккинчидан, оддий халқ ва кенг меҳнаткаш омма маданияти; учинчидан, этнос (яъни уруг, қабила, элат, миллат)лар маданияти каби маъноларда тушунилади. Айнан, учинчи маъно этномаданият тушунчасига тўғри келади.

Бу “Этномаданият” тушунчасини ўзбек халқи маънавий ва моддий маданияти, этно қиёфаси, этномаданияти, этно тарихи ва этногенизи билан бодлаган ҳолда ўрганиш мумкин. Чунки ўзбек халқининг ўтмиши узоқ минг-минг йилликларга бориб, яъни ўз маданиятини тарихан анча илгаридан яратиб келмоқда.

Албатта, ўзбек халқининг ҳам бошқа халқлар сингари барча қийинчиликларни, оғир кунларни бошдан кечирибгина қолмай, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида замонавий цивилизация даражасида кўтарилиб ўзига хос ижтимоий-иктисодий ва маданий анъаналарни яратганлигини инкор этиб бўлмайди.

Ўзбек халқининг этно қиёфаси, хўжалик фаолияти ва турмуш тарзи хусусиятлари даставвал маҳаллий табиий-географик ва экологик шароитга бодлиқ бўлиб келган. Бутун Ўрта Осиё, ўзига хос тарихий-этнографик ва хўжалик-маданий типлар яратган минтаقا. Унда яшовчи халқларнинг келиб чиқиш ва тарихий тақдири ҳам умумий характерга эга бўлган, муайян ҳудудда жойлашган, аммо турли тил, маданий-хўжалик типдаги ҳар хил элатлар доимо ўзаро яқин муносабатда бўлиб, аралашиб келган ва узоқ мураккаб тарихий жараённи бошдан кечирган.

Маълумки, этнотарихий тараққиёт натижаси этнос миллат сифатида шаклланиб, миллий хусусиятларни мужассамлаштириб, ривожланиш босқичига ўтади. Ўзбек миллати ҳам этнотарихий тараққиёт натижасида миллий характер ва хусусиятларни мужассам этиб, этно бирлик сифатида ўзлигини намаён эта олган этноижтимоий тузилмадир. Миллий давлатчилик эса этно тараққиётни сиёсий жиҳатдан таъминалаш билан бир қаторда ривожланаётган этно бирликнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан замин яратади. Ўз навбатида, этно бирлик жаҳон ҳамжамиятининг teng ҳуқуқли субъекти сифатида маданиятларнинг илгор қирраларини ўзида мужассам этиб, миллий тараққиёт гояси асосида умумцивилизация ривожига хисса кўшиб, тинчлик ва тотувликни таъминлашга камарбаста бўлади.

Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А. Каримов томонидан илгари сурилган миллий истиқлол гояси мустақилликни мустаҳкамлаб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилишини таъминлади. Ушбу гоя мамлакат аҳолисининг умумфуқоролик менталитетини ўстириб, демократик тараққиёт шароитида барча миллат ва элатларнинг бирлашувига, тинчлигига, фуқароларнинг эркин ҳамда фаравон ҳаётни таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Мустақиллик жамият ижтимоий ҳаётининг ривожини янгича асосга кўйди. Бу фикр ва мағкуралар хилма-хиллиги билан узвий бодлиқ бўлиб, бир томондан, миллий гояни “ягона ҳукмрон гоя” максади, тамойилларидан тубдан фарқ қилишини англатади, икkinchi томонидан, Ўзбекистон жамияти ҳаётини миллий гоя негизлари асосида, демократиянинг мазмун-моҳияти билан ҳамоҳанг тарзда ривожлана бошлаганлигини кўрсатади.

Миллий гоя шундай шароитда жамиятни демократлаштириш ва янада модернизациялашишига хизмат қила бошлайди. Чунки, миллий гоя янгича фикр, ёндашувларни, услугуб ва воситаларни эътироф этган ҳолда инсоннинг фаол иштирокига ҳалақит қиласиган, демократияга зид қарашлар, интилишларни тан олмайди. Инсонларнинг эркин фикри ва фаолиятини демократияни янада чукурлаштириш омили сифатида баҳолайди ҳамда қадрлайди. Миллий гоя демократиянинг миллий асосларини ҳам эътироф этади.

Миллий гоянинг жамият тараққиётида уни янада демократлаштириш омили сифатида тъсири ошиб боради. Ҳар бир ҳалқ демократиянинг ўзига хос модели орқали уни янада бойитиш имконига эга эканлигини эътироф этиш, демократия, миллий гоя ва жамият тараққиётининг ўзига хос қонуниятидир. Демократия, миллий гоя ва миллий манбаатлар муносабатидаги ўзаро мослик қонунияти ҳам ана шу мантиққа таянади. Ҳар бир мамлакат тараққиётида миллий манбаатлар устуворлигини ҳисобга олиш, демократия ва миллий гоя тамойилларига зид ҳолат эмас. Унга қарши бўлган қарашлар, гоялар, ҳаракатлар, уринишлар эса демократия тамойилларига ҳам, миллий гоя негизлари билан бөглиқ маънавий-ахлоқий асосларга ҳам тўғри келмайди.

Миллий гоя эзгу мақсадни кўзлайди. У умуминсоний гоялар билан муштарак ҳолда жамият ҳаётини янада демократлаштиришга хизмат қиласди. Мамлакат ҳаётини янада демократлостиришда миллий гоя асослари ҳамда умуминсоний қадриятларнинг уйгун таъминланиши тараққиётга имконият яратади. Бу имкониятдан факат жамиятни янада демократиялаштириш билан бөглиқ эзгу мақсад йўлида фойдаланиш кутилган натижани беради. Ёшлар онгига миллий гояни сингдиришда этномаданий қадриятлар, ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш лозим.

Марказий Осиё ҳалқлари этномаданиятида анъанавий қадриятлар билан умумдунёга хос урбанизация белгилари инновация сифатида уйгунлашиб келиши кузатилаётган бўлса-да, ушбу уйгунлашиш ҳар бир ижтимоий гурӯҳ, синф, шаҳар ва қишлоқда турлича содир бўлмоқда. Дунёдаги ҳеч бир ҳалқнинг, миллатнинг этномаданияти ва анъанавий қадриятларидан мутлақ воз кечиб, инновацияга, замонавий қадриятларга ўтиши кузатилмайди. Балки, аксинча, Ғарб бугун Шарқ анъанавий маданиятини ўрганиш ва уларни асрар қолишга интилмоқда. Демак, миллий тараққиёт - анъанавий ва замонавий маданиятни, қадриятларни оқилона уйгунлаштиришдадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек: “Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий гояни ривожлантиришимиз зарур. Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимиј ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо албатта холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан ҳоли бўлиши зарур. Буюк аллома ва адилларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий гурур ва ифтихор туйгуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиш керак”.

АДАБИЁТЛАР:

- Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон турмиш - пировард мақсадимиз.-Т.: 12-жилд, Ўзбекистон, 2000.
- Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқук ва эркинликлари-олий қадрият. Т.14. – Т.: “Ўзбекистон”, 2006.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
- Абдураҳмонов Ф.Р. Мустақиллик ва миллий манбаатлар. – Т., 1994.
- Муродов М., Қорабоев У., Рустарова Р. Этномаданият. (Ўкув қўлланма). -Т.: “Адолат”, 2003.